

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети Юриспруденция таълим йўналиши 3-
босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7072005>

Аннотация. Ушбу мақолада Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, Халқаро ҳуқуқ предмети, мақсади ва моҳияти, Халқаро ҳуқуқ функциялари, Халқаро ҳуқуқнинг номланиши, Халқаро ҳуқуқнинг юридик мажбурий кучи, Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳуқуқ, қаршилик кўрсатиш функцияси, байналмилаллаштириш функцияси, ахборот-тарбиявий функция, *jus gentium*, *jus inter gentes*, популизм, шовинизм, миллатчилик, протекционизм, делимитация ва демаркация.

ПОНЯТИЕ СОВРЕМЕННОГО МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА И ИСТОРИЯ ЕГО ВОЗНИКНОВЕНИЯ

Аннотация. В данной статье раскрываются понятие международного права, предмет, цель и сущность международного права, функции международного права, наименование международного права, юридическая сила международного права, особенности международного права и национального права.

Ключевые слова: международное право, функция сопротивления, функция интернационализации, информационно-воспитательная функция, *jus gentium*, *jus inter gentes*, популизм, шовинизм, национализм, протекционизм, делимитация и демаркация.

THE CONCEPT OF MODERN INTERNATIONAL LAW AND THE HISTORY OF ITS EMERGENCE

Abstract. This article reveals the concept of international law, the subject, purpose and essence of international law, the functions of international law, the name of international law, the legal force of international law, the features of international law and national law.

Keywords: international law, function of resistance, function of internationalization, information and educational function, *jus gentium*, *jus inter gentes*, populism, chauvinism, nationalism, protectionism, delimitation and demarcation.

КИРИШ

*Omnium profecto artium jus inter gentes
nobilissima – Шаксиз, барча фанлар
ичида халқаро ҳуқуқ энг улугвордир*

Халқаро ҳуқуқ бутун дунё давлатлари эътироф этадиган ҳамда риоя қиладиган нуфузли юридик тизимдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида ҳам халқаро ҳуқуқ, унинг умумэътироф этилган принциплари устуворлиги тан олинди мустаҳкамланган. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ принциплари ва қоидаларининг мамлакат миллий ҳуқуқидан устуворлигини қатъий эълон қилади. Шу боис халқаро ҳуқуқни мукамал ўрганиш ва билиш ҳуқуқшунослар ҳамда барча ижтимоий фан соҳасидаги мутахассисларнинг биринчи даражали вазифасидир. Мустақил давлатимизнинг халқаро майдонга чиқиши ва халқаро муносабатларнинг

тўлақонли иштирокчисига айланиши тегишли халқаро-ҳуқуқий институтлар ва мезонларни пухта ўзлаштириб олинишини талаб этади.

Сўнги йилларда халқаро ҳуқуқнинг бутун дунё миқёсида халқаро муносабатларни адолатли тартибга солиш воситаси сифатидаги роли ортиб бормоқда. Халқаро ҳуқуқ ғоялари ва принциплари таъсирида халқаро ҳамжамиятда янгича тафаккур шаклланди: хусусан, ўзаро муносабатларда куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилиш мафқураси ўрнини низоларни тинч йўллар билан халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал қилиш мафқураси эгалламоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Халқаро ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини, ички тузилишини, асосий принциплари ва тармоқларини англаб етиш ҳамда пухта ўзлаштириш Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини, дипломатик алоқаларини амалга оширувчи барча мутасадди ходимлар, мутахассислар учун айна заруриятдир. Қолаверса, мазкур соҳа учун тайёрланаётган ёш мутахассис кадрлар халқаро ҳуқуқ асосларини мукамал билишлари лозим.

Халқаро ҳуқуқ деганда давлатлараро оммавий-ҳуқуқий характердаги сиёсий, ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-техникавий, иқтисодий, валюта-молиявий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар муносабатларни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий (шартномвий ва одат) нормалар йиғиндиси тушунилади.

Берилган таърифдан келиб чиқадики, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари давлатлар бўлиб, унинг тартибга солиш объекти эса давлатлараро муносабатлардир (унинг конкрет турлари – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ҳарбий – техник, молиявий ва бошқалар). Келтирилган таъриф халқаро ҳуқуқнинг ўзига хослигини акс эттиради, шундай бўлса-да, айтиш лозимки, бу таърифни тўлиқ деб ҳисоблай олмаймиз. Шундай қилиб, давлатлар – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ягона субъектлари эмас. Улар бу ҳуқуқнинг асосий суверен субъектларидир, шунинг учун ҳам қисқача таърифда барча субъектларни санаб ўтмаса ҳам бўлади. Халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги билимларнинг йиғилиб бориши давомида бу таъриф керакли тарзда аниқлаштирилади.

Халқаро ҳуқуқнинг объектлари.

Ҳуқуқ объекти деганда ҳаракати йўналтирилган ва тартибга солиниши зарур бўлган муносабатлар тушунилади. Халқаро ҳуқуқнинг бундай объекти – халқаро, аниқроқ айтганда, давлатлараро муносабатлардир. Объектдан халқаро муносабатлар предметини фарқлаш зарур. Предмет бўйича томонлар ҳуқуқий муносабатга киришадилар. Ҳаракатлар ва ҳаракатлардан ўзини тийиш, ҳудуд ва бошқалар шундай предмет бўлиши мумкин. Ҳудуд тўғрисидаги шартнома унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. У давлатларнинг берилган ҳудудга нисбатан муносабатини белгилайди. Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий бошқарувнинг бир кўриниши бўлгани ҳолда нарсалар эмас, балки ижтимоий муносабатларни бошқаради.

Халқаро ҳуқуқнинг функциялари – унинг ижтимоий вазифалари билан белгиланувчи, муҳитга таъсир этиш йўналишларидир.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий ижтимоий функцияси халқаро муносабатларнинг мавжуд тизимини мустаҳкамлашдир. Унинг асосий юридик функцияси эса давлатлараро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборатдир. Ҳар иккала функция ҳам

тизимдаги маълум тартибни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги учун барқарорлаштирувчи ва муҳофаза қилувчи хусусиятга эгадир.

Халқаро ҳуқуқ унинг мақсад ва принципларига зид бўлган янги муносабат ва институтларнинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги қаршилик кўрсатиш функциясини ҳам бажаради.

Давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқани кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат бўлган байналмилаллаштириш функцияси ҳам муҳимдир.

Ахборот-тарбиявий функция давлатларнинг тўғри ахлоқий тажрибаларини етказиш, халқаро ҳуқуқни қўллаш имкониятларини ёритиш, ҳуқуқ ва муҳофаза қилувчи манфаат ва қадриятларга ҳурмат руҳини тарбиялашни халқаро ҳуқуқ субъектларига сингдиришдан иборатдир.

Халқаро ҳуқуқнинг юридик мажбурий кучи

Юридик мажбурий куч – халқаро ҳуқуқнинг ҳуқуққа хос услублар билан халқаро муносабатларни тартибга солиш хусусиятидир. Давлатлар ўртасидаги битим фақат алоҳида олинган шартнома ёки нормага эмас, балки бутун халқаро ҳуқуққа ҳам мажбурий юридик куч беради. Бу ҳолат халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш принципнинг мазмунида ўз ифодасини топади.

Халқаро ҳуқуқнинг номланиши

Асрлар давомида халқаро ҳуқуқ *jus gentium* номи билан маълум бўлган. Бу Рим ҳуқуқидан олинган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси сифатидаги мазмунини очиб беради. Рим ҳуқуқида *jus gentium* Рим фуқаролари ва Рим фуқароси бўлмаганлар, шунингдек, фуқаро бўлмаганлар ўртасидаги хусусий муносабатларни тартибга соларди.

XVII асрнинг ўрталарига келиб, инглиз олими Зеч „*jus gentium*“ ўрнига янада аниқроқ номланиш – “*jus inter gentes*” (халқлар ўртасидаги ҳуқуқ) атамасини қўллашни таклиф қилди. Халқаро ҳуқуқ атамаси шундан келиб чиққан.

Ўзбекистон ҳудуди доирасида “халқаро ҳуқуқ” атамаси XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб умумий фойдаланишга кирди. Унгача “халқлар ҳуқуқи” ибораси ишлатилар эди. Бу “*jus gentium*” – “умумхалқ ҳуқуқи”нинг сўзма-сўз таржимаси эди. Айни вақтда, “халқаро ҳуқуқ” атамасини унчалик муваффақиятли ишлатилган деб бўлмайди. Чунки бундай ҳуқуқ халқлар ўртасидаги эмас, балки давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Таниқли халқаро ҳуқуқшунос В.А.Незабитовский (1824-1883) таъкидлаганидек, бу ҳуқуқни ***давлатлараро ҳуқуқ*** деб аташ тўғрироқ бўлар эди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Оммавий ахборот воситалари орқали мулоқот қилиш жуда ҳам ривожланган бир пайтда дунёнинг турли тарафларидан баъзи бир нохуш хабарларни эшитиб тураемиз. Буларга мисол қилиб этнк муаммолар, низолар, табиий офатлар, савдо билан боғлиқ келишмовчиликлар, чегаралардаги отишмалар, бош тортиш (бойкот) эъон қилиш, инсон ҳуқуқларига зид хатти-ҳаракатлар ва, албатта, қочоқлар муаммосини келтириб ўтишимиз мумкин. Шундай бўлса-да, асрга келиб олдинги асрлардаги мисли кўрилмаган глобал урушлар, қон тўкишлар ёки гаровга олиш каби муаммолар кенг миқёсда юз бераётгани йўқ. Инсоният ушбу асрда ҳар соҳада глобаллашувга шохид бўлмоқда – давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора ривожланиб, глобал иқтисодиёт ва сиёсат тобора давлатларнинг бир-бири билан ўзаро ҳамкорликда иш юритишини талаб этмоқда.

БМТ Халқаро Суди судьяси профессор Жеймс Крофорд 2013-йилги Гаага шаҳрида ёзган академияда сўзлаган ўз нутқида дунёнинг турли жойларидан йиғилган 300 дан зиёд халқаро ҳуқуқни ўрганувчи талабаларига, *“Камина ҳам ўша бахтлилар орасида, дунё ҳеч қачон бунчалик тинч, осуда ва фаровон бўлмаган. Бундай бўлишида эса, шубҳасиз, давлатларнинг, асосан, икки ёки кўп томонлама тузган битимлари, халқаро шартномалари жуда катта рол ўйнайди. Асрлар давомида мисқоллаб йиғилган халқаро одат ҳуқуқининг аҳамияти ҳам тобора ортмоқда. Чунки биз айнан шундай шартномалар ва уруш қилишни умумий ҳуқуқ принципларига зид деб эълон қилган халқаро ҳуқуқ соҳасининг маълум даражадаги марҳамати туфайлигина бошимиздан бомбалар ёғилмаслигига амин бўлган ҳолда яшамоқдамиз. Халқаро ҳуқуқ Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши каби ўта аччиқ тажрибалар натижасида инсоният тинчлиги ва фаровонлиги учун ишлаб чиқилган, ишлаб чиқилаётган ва келажакда ҳам юксалишдан тўхтамайдиغان ҳуқуқ соҳасидир”* дегани бежиз эмас.

Афсуски, ўтган асрдаги глобал урушлар қолдирган асоратнинг инсон хотирасидаги изи ўчиб бориши билан инсониятнинг яна салбий томонларга майл қилиши кучаймоқда. Олдин умуминсоний ташаббуслар учун жонини беришга тайёр кўп сонли ва иқтисодий жиҳатдан анчагина бақувват бўлган давлатлар ва миллатлар ҳам иқтисодий, сиёсий ва тарихий важларни кўрсатган ҳолда эски даврдаги популизм, шовинизм, миллатчилик, протекционизм каби иллатларни яна бошидан кечирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши билан ўзининг мустақил ташқи сиёсатини амалга ошириб келмоқда ва унинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари жорий этилди.

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони 1-илова билан тасдиқланган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқ қуйидаги устувор йўналишлар белгиланди:

- чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш;

- мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшниччилик муҳитини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш;

- мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот йетказиш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

МУҲОКАМА

Халқаро ҳуқуқни қўллаш доираси йилдан йилга кенгаймоқда. Атом энергиясининг кашф этилиши, ўта кучли музёра кемаларнинг, товушдан тез учадиган ҳаво кемаларининг пайдо бўлиши, ер сунъий йўлдошининг, космик кемалар ва орбитал станцияларнинг парвози ва бошқа фан-техника тараққиёти натижасида халқаро ҳуқуқ олдида янгидан янги муаммоли масалалар пайдо бўлди. Бу улкан ютуқлар беҳисоб бойликлар яшириниб ётган денгиз туби, қутбдаги жойлари, шунингдек дунё океанини ўзлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий режим ўрнатиш заруратини белгилайди.

Халқаро ташкилотлар ҳозирги халқаро муносабатларда муҳим рол ўйнамоқда. Бундай ташкилотлар орасида дунёдаги деярли барча давлатлар аъзо бўлган, бутун дунёнинг универсал ташкилоти - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳим ўринни егаллайди. Унга 193 давлат аъзо. Ташкилотнинг юридик негизи - БМТ Устави ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос кодекси деб асосли равишда эътироф қилинган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ичида агрессия, апартеид, геноцид ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш, қуролланиш, оммавий қирғин қуроллари ва бошқа ядровий қуроллари тақиқлашда давлатлар ҳамкорлигини тартибга соладиган нормалар алоҳида ўрин тутади.

Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари

Икки ҳуқуқий тизим - халқаро ва миллий (ёки ички давлат) ҳуқуқнинг ўзаро алоқасини таъминлаш бугунги кунда ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳаммага маълумки, замонавий ижтимоий муносабатлар глобализация йўлидан кетмоқда ва бу жараён давлатлар ўртасида турли даражада ва турли соҳаларда давом етмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, бугун дунёвий жараёнлар глобаллашаётган, турли давлатлар ва бутун-бутун минтақаларнинг ўзаро интеграциялашув жараёнлари тезлашаётган бир даврда яшамокдамиз.

Ҳозирги кунда миллий ва халқаро ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги муносабатлар энг долзарб масалалардан биридир. Уларнинг мақсади, умуман, муносабатларни тартибга солиш бўлишига қарамасдан, улар ўртасида бир қатор фарқлар мавжуд. Халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши билан, тартибга солиш объекти билан миллий ҳуқуқдан ажралиб туради. Миллий ҳуқуқ эса у ёки бу давлат ҳудуди чегараси доирасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Икки тизимнинг ўзига хос жиҳати сифатида шунини таъкидлаш лозимки, улар доимий равишда бир-бирининг нормаларини ўзлаштириб туради.

Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг умумий хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни қуйида келтирамиз:

1. Икки ҳуқуқ тизими мажбурий тартибда бажарилишини таъминловчи юридик принциплар ва нормалар йиғиндисини ифодалайди.

2. Ҳуқуқ тизимлари ўзига хос. тузилмаларга эга: иккита тизимда ҳам асосий принциплар мавжуд, икки тизим ҳам соҳа ва институтларга бўлинади. иккита тизимнинг дастлабки элементи норма ҳисобланади.

ХУЛОСА

Дунёга том маънода очилиш – юртимизнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, инсон омилини олдинга олиб чиқиш, ҳудудий ички туризмни ривожлантириш, яқин пайтгача бизни безовта қилиб келган халқаро дарёлар сувларидан ўзаро манфаатли равишда тинч йўл билан фойдаланиш, одам савдосининг олдини олиш каби муаммоларга қарама-қарши турган Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқшуносларидан ҳам бундай қийин ва тез ўзгарувчан пайтда халқаро ҳуқуқ қоидалари, уларни ишлатиш услублари ва ниҳоят низо чиққан пайтда уларни тўғри талқин эта олиш каби кучли таҳлилий қобилиятлар талаб этилади. Шу сабабали ҳам биз каби ёш ҳуқуқшунослар халқаро ҳуқуқ соҳасини юксак даражада ўзлаштиришимиз зарур.

REFERENCES

1. <https://drive.google.com/file/d/1PqkESdYGHYFAyVmBi9F14B98GAovx4Ud/view>;
2. https://drive.google.com/file/d/1dYcS0WLQxBY2qqQJOQZcoOGIY9lC0hHw/view?usp=drive_open;
3. Выступление И. А.Каримова на международной конференции по развитию транспортного коридора Европа - Кавказ - Азия (ТРАСЕКА) /! Каримов И.А. С-iot будущее мы строим своими руками. Т.7. -Т.: Узбекистан, 1999;.
4. <https://elibrary.namdu.uz/67%20%D0%A5%D1%83%D0%BA%D1%83%D0%BA%D1%88%D1%83%D0%BD%D0%BE%D1%81%D0%BB%D0%B8%D0%BA%20%D1%84%D0%B0%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80/Xalqaro%20huquq.%20Darslik.%202018.pdf>